O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
**PREZIDENTI**

**Кавказ мусулмонлар идораси раиси**
**Шайхулислом Оллоҳшукр Пошшазода**
**Ҳазратларига**

**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,**

**Ҳурматли Шайхулислом Ҳазратлари!**

Табиатнинг янгиланиш ва баҳорий гўзаллик байрами – Наврўзи олам муносабати билан Сизга ўзимнинг энг эзгу ва самимий тилакларимни йўллашдан бениҳоят мамнунман.

Тинчлик-осойишталик, тўкинлик, файзу барака ва фаровонликни улуғлаб, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этадиган ушбу кутлуғ айём нафақат икки қардош миллатларимиз, балки кенг минтақаларимизда яшаётган барча элу элатлар учун ғоятда эъзозли ва ардоқли байрам саналади.

Шунингдек, азалдан дўст халқларимизнинг бой маънавий олами ва ўлмас маданий мероси билан чамбарчас уйғун бўлган Наврўз руҳи ҳамда фалсафаси диний бағрикенглик, шукроналик, бирдамлик ва ўзаро аҳиллик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу шукуҳли ва нурафшон кунларда Аллоҳ Таолодан Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, мусулмон уммати жипслиги йўлида олиб бораётган хайрли амалларингизга бардавомлик ва улкан куч-ғайрат ато этишини сўраб қоламан.

Эҳтиром ила,

**Шавкат Мирзиёев**

Тошкент шаҳри
2021 йил 21 март

*Неофициальный перевод с узбекского языка*

ПРЕЗИДЕНТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

---

**Председателю Управления мусульман Кавказа
Шейх-уль-ислам Аллахшукюру Пашазаде
Хазратлари**

**Ассалому алайкум ва раҳматуллаҳи ва баракатуҳу**

**Уважаемый Шейх-уль-ислам Хазратлари!**

Мне доставляет огромное удовольствие направить Вам свои наилучшие пожелания по случаю праздника Навруз, олицетворяющего собой обновление природы и весеннее изящество.

Этот благодатный праздник, знаменующий собой мир, спокойствие, процветание и благополучие, а также воплощающий общечеловеческие ценности, почитается и весьма ценится не только нашими братскими народами, но и всеми народами, проживающими в нашем обширном регионе.

Вместе с тем, дух и философия Навруза, которые тесно переплетаются с богатым духовным миром и бессмертным культурным наследием наших дружественных народов, служат дальнейшему повышению религиозной терпимости, благодарности, а также укреплению уз солидарности и согласия.

Пользуясь случаем, в эти светлые праздничные дни, прошу Всевышнего Аллаха ниспослать Вам долгих лет жизни, крепкого здоровья, а также сил в Ваших благих деяниях во имя укрепления единства мусульманской Уммы.

С уважением,

**Шавкат Мирзиёев**

21 марта 2021г.
Город Ташкент